

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.1.17.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ИРМАТОВА ЗАМИРА БАХТИЁРОВА**

**ТЎҚИМАЧИЛИК КОРХОНАЛАРИ МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИДАН  
САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШДА БОШҚАРУВ ТАҲЛИЛИ  
УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.08 – Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по экономическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)  
on Economics Sciences**

**Ирматова Замира Бахтиёровна**

Тўқимачилик корхоналари меҳнат ресурсларидан самарали  
фойдаланишда бошқарув таҳлили усуллари тақомиллаштириш ..... 3

**Ирматова Замира Бахтиёровна**

Совершенствование методов управленческого анализа при эффективном  
использовании трудовых ресурсов текстильных предприятий ..... 25

**Irmatova Zamira Bakhtiyorovna**

Improvement of methods of management analysis in effective use of labor  
resources of textile enterprises ..... 47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 51

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.1.17.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ИРМАТОВА ЗАМИРА БАХТИЁРОВА**

**ТЎҚИМАЧИЛИК КОРХОНАЛАРИ МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИДАН  
САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШДА БОШҚАРУВ ТАҲЛИЛИ  
УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.08 – Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.3.PhD/Iqt613 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус) веб-саҳифанинг [www.tmi.uz](http://www.tmi.uz) ҳамда «Ziyonet» ахборот-таълим портали [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Хасанов Баходир Акрамович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Пардаев Мамаюнус Қаршибоевич**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Дусмуратов Раджапбай Давлатбаевич**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

Ўзбекистон Республикаси Банк молия академияси

Диссертация ҳимояси Тошкент молия институти хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.I.17.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темура кўчаси, 60А. Тел.: (99871) 234-53-34; факс: (99871) 234-11-48; e-mail: [tmi@tmi.uz](mailto:tmi@tmi.uz).

Диссертация билан Тошкент молия институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темура кўчаси, 60А. Тел.: (99871) 234-53-34.

Диссертация автореферати 2018 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни таркатилди.

(2018 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А.А. Каримов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси  
муовини, и.ф.д., профессор

**С.У. Мехмонов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
котиби, и.ф.д., профессор

**Ж.И. Каримкулов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.н., доцент

## КИРИШ(фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурлиги.** Жаҳон банки экспертларининг фикрига кўра, дунё мамлакатларида меҳнат ресурслари бандлиги ва камбағаллик даражаси ўртасидаги нисбатни қисқартириш, аҳоли фаровонлигини таъминлаш учун тўқимачилик саноати соҳасида бандлик даражасига эътибор қаратиш, янги иш ўринларини яратиш, меҳнатга адолатли ҳақ тўлаш ва юқори қўшилган қийматга эга товар (иш, хизмат)ларни кўпайтириш зарур<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича 2017-2021 йилларга мўлжалланган бешта устувор йўналишдан иборат Ҳаракатлар стратегиясида янги иш ўринларини яратиш, мавжуд меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш орқали барқарор ривожланишни таъминлаш масаласи устувор вазифа сифатида белгилаб берилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан мамлакатимиз парламенти – Олий Мажлисга Мурожаатномасида ҳам «Йил давомида биз учун ғоят муҳим бўлган янги иш ўринларини ташкил этиш масаласи доимий эътиборимиз марказида бўлди. 2017 йилда янги саноат корхоналарини куриш, хизмат кўрсатиш объектларини ишга тушириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобидан 336 мингдан зиёд янги иш ўринлари ташкил этилди. Ўз-ўзидан аёнки, биз аҳоли бандлигини таъминлашни ўз олдимизга устувор вазифа қилиб қўйган эканмиз, бу масалага нафақат сон, балки сифат жиҳатидан ҳам алоҳида аҳамият беришимиз зарур»<sup>2</sup> - деб таъкидланди.

Жаҳон иқтисодиётининг барқарор суръатлар билан ривожланиши бевосита бошқарувнинг самарадорлигига боғлиқ бўлиб, бу эса корхона ва ташкилотларда бошқарув ҳисоби ва таҳлилини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратишни талаб қилади. Ҳозирги пайтда халқаро тажрибада бухгалтерия соҳаси мутахассислари иш вақтининг қарийб 90%и бошқарув ҳисоби ва таҳлилини ташкил этишга сарфланади<sup>3</sup>. Мамлакатимизнинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашуви жараёнида рақобат курашининг кучайиши корхоналар ўртасида тижорат сири қоидаларига амал қилишга жиддий ёндашувни талаб этади. Шу боисдан, бухгалтерия ҳисоби ва иқтисодий таҳлил икки даражада олиб борилиши мақсадга мувофиқдир. Агар ташқи фойдаланувчилар манфаатлари учун корхоналарда молиявий ҳисоб ва таҳлил юритилса, ички фойдаланувчилар учун эса бошқарув ҳисоби ва таҳлили мўлжалланган бўлиб, у корпоратив бошқарув тизимида тижорат сири билан боғлиқ ҳисоб ва таҳлилни амалга оширади. Чунки, ҳозирги шиддатли ислохотлар даврида корхоналар ўзларининг барқарор ривожланишини таъминлаши учун таъсирчан ва оқилона бошқарув қарорларини қабул қилиши объектив заруратга айланмоқда. Аммо, мазкур масаланинг ўта муҳимлигига қарамадан бошқарув таҳлили усулларини такомиллаштириш масалалари соҳага оид иқтисодий адабиётларда етарли

<sup>1</sup><https://blogs.worldbank.org/growth/sewing-success-how-textile-jobs-help-reduce-poverty>

<sup>2</sup>Мирзиёев Ш.М.Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси . – Т.: «Ўзбекисон» НМИУ, 2018. – 8-9 бетлар.

<sup>3</sup><https://www.royalholloway.ac.uk/courses/undergraduate/management/management-with-accounting.aspx>

даражада ёритилмаган. Айниқса, бошқарув таҳлилининг муҳим объектларидан бири саналган меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишда бошқарув таҳлили усуллари қўллаш масаласи деярли тадқиқ қилинмаган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралда «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармонида кўзда тутилган мамлакатни 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегияси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 декабрдаги «2017–2019 йилларда тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги ПҚ–2687-сонли қарори, 2017 йил 19 майдаги «Бухоро вилоятида замонавий пахтачилик-тўқимачилик кластерини барпо этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2978-сонли қарори, 2017 йил 15 сентябрдаги «Сирдарё вилоятида замонавий пахтачилик-тўқимачилик кластерини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-3279-сонли Қарори, 2017 йил 14 декабрдаги «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5285-сон Фармони, 2018 йил 3 майда қабул қилинган «Чарм-пойабзал ва мўйначилик соҳаларини ривожлантириш ва экспорт салоҳиятини оширишни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-3693-сонли Қарори ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республикада фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технология ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» номли устувор йўналишларга мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Корхонанинг меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишда бошқарув таҳлилининг такомиллаштириш мавзуси бўйича хорижлик олимлардан, М.И.Баканов, А.Д.Шеремет,<sup>4</sup>

<sup>4</sup>Баканов М.И., Шеремет А.Д. Теория экономического анализа. Учебник. -М.: Финанси статистика, 1981, 1987, 1993, 1994, 1996, 2000. – 416 бет., Шеремет А.Д. Теория экономического анализа. Учебник. . – М.: ИНФРА-М, 2002 –333 бет., Шеремет А.Д., Сайфулин Р.С., Негашев Е.В. Методика финансового анализа. . – М.: ИНФРА-М, 2000 – 208 бет., Басовский Л.Е. Теория экономического анализа: учеб. пособие. – М.: ИНФРА-М, 2001 – 222 бет.; Бернштейн Л. Анализ финансовой отчетности. Теория и практика. Пер. с англ. М.: Финанси статистика, 1996.; Гаврилова С.С. Экономический анализ. -М.: Эксмо, 2006. – 144 с., Галицкая С.В. Финансовый менеджмент. Финансовый анализ. Финансы предприятий: учебное пособие. – М.: Эксмо, 2008. – 652 с., Герасимова В.Д. Анализ и диагностика производственной деятельности предприятий (теория, методика, ситуации, задания): учебное пособие 4-е изд., перераб. и доп.–М.: КНОРУС, 2008.-256 с., Гинзбург А.И. Экономический анализ. Учебник. 2-е изд. перераб и доп. – СПб.: Питер, 2008.- 528 с.; Гладкий А.А. Бухучет и финансы для руководителей и менеджеров. – СПб.: Питер, 2007.- 240 с., Комплексный экономический анализ предприятия / Под ред. Н.В.Войтоловского, А.П.Калининой, И.И.Мазуровой.. – СПб.: Питер, 2009.- 576 с., Любушин Н.П. Анализ финансового состояния организации: учебное пособие. – М.: Эксмо, 2007. – 256 с., Максюттов А.А. Экономический анализ. М.: Единство, 2005.- 544 бет., Маркаръян Э.А. Финансовый анализ. Учеб. пособие / Э.А. Маркаръян, Г.П.Герасименко, С.Э. Маркаръян. – 7-е изд., перераб. и доп. – М.: КНОРУС, 2009. – 264 с., Палий В.Ф. Новая бухгалтерская отчетность: содержание методика анализа. -М.: Журнал «Контроллинг», 1991.- 64 б., Савицкая Г.В. Анализ хозяйственной деятельности предприятия. Учеб. пособие. – Минск: ООО «Новое знание», 2000. – 688 бет., Черняк В.З. Финансовый анализ: учебник. – 2-е изд. -М.: Издательство «Экзамен», 2007. – 414 с., Чиркова М.Б., Коновалова Е.М., Малицкая В.Б. Анализ хозяйственной деятельности организации: сборник заданий и тестов: учеб. пособие. -М.: Эксмо, 2008. – 160 с.

Л.Е.Басовский, Л.Бернстайн, С.С.Гаврилова, С.В.Галицкая, В.Д.Герасимова, А.И.Гинзбург, А.А.Гладкий, Н.В.Войтоловский, А.П.Калинина, И.И.Мазурова, Э.И.Крылов, В.М.Власова, И.В.Журавкова, Н.П.Любушин, А.А.Максютов, Э.А. Маркаръян, Г.П.Герасименко, С.Э.Маркаръян, В.П.Палий, Г.В.Савицкая, В.З.Чиркова, Е.М.Конавалова, В.Б.Малицкая кабиларни киритиш мумкин.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан И.Т.Абдукаримов, Э.А.Акрамов, А.Вахобов, А.Иброҳимов, Н.Ишанкулов, Х.И.Ахмаджонов, М.Ю.Рахимов, И.О.Волжин, В.В.Эргашбаев, А.Иброҳимов, Е.Ергешев, Д.Қудбиев, Б.И.Исроилов, М.Қ.Пардаев, Ж.И.Исроилов, А.Н.Халикулов, М.Э.Пулатов, Р.А.Исаев, Б.А.Ҳасанов, М.М.Тўлахўжаева, А.Ҳ.Шоалимов, Ё.А.Абдуллаев кабиларни<sup>5</sup> киритиш мумкин

Юқорида номлари зикр этилган олимларнинг асарларида иқтисодий таҳлил назарияси, молиявий ва бошқарув таҳлиллар методологияси умумий тарзда ёритилган. Аммо, корхонанинг меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишда бошқарув таҳлилини усуллари деярли ёритилмаган. Айрим ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар мазкур масаланинг у ёки бу жиҳатини умумий тарзда ўрганиш билан чекланганлар. Меҳнат кўрсаткичлари таҳлили билан М.Қ.Пардаев, И.Т.Абдукаримов, Б.И.Исроилов<sup>6</sup>, Қ.Х.Абдурахманов, Ш.Р.Холмўминов, Х.М.Ҳақимов, М.А.Аллаев ва А.Т.Маҳкамбоев<sup>7</sup> кабилар шуғулланганлар. Шунинг эътирофи этиш керакки, мамлакатимизда ҳозирги шаклланган иқтисодиёт бутунлай янги йўналишда олиб борилмоқда. Бу иқтисодиётнинг олдинги ҳолатига ҳамда хорижий мамлакатлардаги ўхшаш соҳаларига нисбатан ўзига хос хусусиятлари жуда кўп. Айнан шу ҳолат мазкур соҳада чуқур илмий изланишлар олиб бориш заруратини белгилайди.

---

<sup>5</sup> Абдукаримов И.Т. Молиявий ҳисобни ўқиш ва таҳлил қилиш. -Т., «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 2001.; Абдукаримов И.Т., Абдукаримова Л.Г., Смагина В.В.Анализ финансово хозяйственной деятельности предприятия. Учебное пособие. 2-е изд. –Тамбов: Издательский дом ТГУ, 2008.-667 бет., Акрамов Э.А. Корхоналарнинг молиявий ҳолати таҳлили.- Т.: Молия, 2003. -224 бет.,Вахабов А., Иброҳимов А., Ишанкулов Н. Молиявий ва бошқарув таҳлили. Дарслик. -Т.: Шарқ, 2005.- 480 бет., Вахабов А., Иброҳимов А., Ҳақимов Б. Иқтисодий таҳлил назарияси. Ўқув қўлланма. -Т.: ТМИ, 2003.- 176 бет.,Волжин И.О., Эргашбоев В.П. Молиявий таҳлил. - Т., «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 1998., Ергешев Е. Иқтисодий ва молиявий таҳлил. Дарслик. -Т.: Молия, 2000. – 256 бет.; Ахмаджонов Х.И., Рахимов М.Ю. Молиявий таҳлил. Ўқув қўлланма. -Т.: ТМИ, 2004.- 160 бет., Пардаев М.К. Иқтисодий таҳлил назарияси. Дарслик. –Самарканд: Зарафшон,2001.- 272 б., Пардаев М.К., Исроилов Ж.И. Хусусий корхоналар фаолияти таҳлилининг назарий ва методологик муаммолари. -Т.: «Fan va texnologiya», 2007. – 64 бет., Пардаев М.Қ. ва бошқалар. Корхоналарнинг иқтисодий салоҳияти таҳлили. -Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 2003., Пардаев М.Қ., Исроилов Б.И. Молиявий таҳлил. -Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси нашриёт уйи, 1999.- 356 б., Пардаев М.Қ., Ҳасанов Б.А., Исроилов Ж.И., Пулатов М.Э., Эшбоев Ў.Т., Холикулов А.Н. Молиявий ва бошқарув таҳлили. Ўқув қўлланма. – Т.: «Чўлпон» нашриёти, 2012.- 400 бет., Пардаев М.Қ., Исроилов Ж.И., Пардаев О.М., Сафаров Ф.А. Иқтисодиёт субъектлари молиявий ҳолатининг таҳлили. -Самарканд, СамИСИ, 2013. – 196 бет.Исаев Р.А., Ҳасанов Б.И., Аликулов А.И. Пахта тозалаш корхоналари хўжалик фаолияти таҳлили. – Т.: ‘Fan va texnologiya’, 2008. – 220 бет., Абдуллаев Ё., Иброҳимов А., Раҳимов М. Иқтисодий таҳлил: 100 савол ва жавоб. - Т., «Меҳнат», 2001., Рахимов М. Иқтисодиёт субъектлари молиявий ҳолатининг таҳлил. Ўқув қўлланма. – Т.: «IQTISOD-MOLIYA», 2013- 392 бет., Тўлахўжаева М.М. Молиявий ҳисоботни ва молиявий коэффициентларни таҳлил қилиш. Т.: 1996., Шоалимов А.Х. Саноат корхоналари фаолиятининг таҳлили. -Т.: «Меҳнат», 1992., Шоалимов А.Х., Тожибоева Ш.А. Иқтисодий таҳлил назарияси. -Т.: ТДИУ, 2004.- 91 бет.

<sup>6</sup> Пардаев М.Қ., Абдукаримов И.Т., Исроилов Б.И. Иқтисодий таҳлил. Ўқув қўлланма. - Т.: «Меҳнат» нашриёти, 2004.- 486 бет.

<sup>7</sup> Холмўминов Ш.Р., Ҳақимов Х.М., Аллаев М.А., Маҳкамбоев А.Т. Меҳнат кўрсаткичлари таҳлили. Ўқув қўлланма. - Т.: ТДИУ, 2004. – 112 бет.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация мавзуси Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг 2016-2020 йилларга мўлжалланган илмий-тадқиқот ишларига ва мамлакатни ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясидан келиб чиққан иқтисодий дастурларнинг энг муҳим устувор вазифаларига мос келади.

**Тадқиқотнинг мақсади** тўқимачилик корхоналари меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишда бошқарув таҳлили усулларини такомиллаштириш юзасидан илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

меҳнат самарадорлигини баҳолашда мамлакат, ҳудуд ва хўжалик юритувчи субъектлар миқёсида меҳнат ресурслари самарадорлигини баҳолаш усулларини такомиллаштириш;

тўқимачилик корхоналарида янги иш ўринларини яратиш, уларга олий таълим муассасаси ва коллеж битирувчиларини қабул қилиш орқали кадрлар таркибий тузилмасини такомиллаштириш билан боғлиқ омилларнинг корхона меҳнат ресурслари самарадорлигининг ўзгаришига таъсирини аниқлаш йўлларини ишлаб чиқиш;

корхонанинг меҳнат ресурслари самарадорлиги ўзгаришига таъсир этувчи омиллар тизими, уларнинг ўзаро боғлиқлигининг мультипликатив модели асосида омиллар кластерини яратиш, ҳар бирининг таъсирини аниқлаш ва таҳлил қилиш орқали мазкур кўрсаткични ошириш бўйича бошқарув қарорларини қабул қилиш йўлларини такомиллаштириш;

тўқимачилик корхоналарида меҳнат ресурслари рентабеллиги ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни аниқлаш ва улар асосида рентабелликни ошириш бўйича такомиллашган бошқарув қарорларини қабул қилиш;

корхоналарда меҳнат ресурслари самарадорлигига оид кўрсаткичлар апроксимацияси орқали қатор усулларини қўллаб, уларнинг прогнозини ишлаб чиқиш ҳамда қиёсий таҳлил қилиш асосида тегишли бошқарув қарорларини қабул қилиш йўлларини такомиллаштириш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси таркибига кирувчи хўжалик юритувчи субъектлар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** тўқимачилик корхоналари меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишда бошқарув таҳлили усулларини такомиллаштириш билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар мажмуидан иборат.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқот жараёнида индукция ва дедукция, таҳлил ва синтез, сабаб ва оқибат, статистик ва иқтисодий таҳлил, билиш назарияси (манتيкий таҳлил), монографик кузатиш, социологик сўровнома ўтказиш каби усуллардан кенг фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгиликлари** қуйидагилардан иборат:

корхонада бошқарув таҳлилини самарали ташкил этишда тўқимачилик тармоғи ихтисослиги хусусиятлари асосида меҳнат ресурслари самарадорлигини аниқловчи иқтисодий кўрсаткичлар такомиллаштирилган;

тўқимачилик корхоналарида янги иш ўринларини яратиш ва уларга олий



ва ўрта махсус маълумотли соҳа мутахассисларни қабул қилиш орқали кадрлар таркибий тузилмасини такомиллаштириш билан боғлиқ омилларнинг корхона меҳнат ресурслари самарадорлиги ўзгаришига таъсирини аниқлаш усули такомиллаштирилган;

тўқимачилик корхоналарида бошқарув қарорларини қабул қилишда меҳнат ресурслари самарадорлиги ўзгаришига таъсир этувчи омиллар ўзаро боғлиқлигининг мультипликатив моделига асосланган кластери ҳамда ҳар бир омилнинг самарадорликка таъсирини таҳлил қилиш таклиф қилинган;

корхоналарда меҳнат ресурслари самарадорлигини ошириш билан боғлиқ кўрсаткичлар апроксимацияси орқали прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

иқтисодийни модернизациялаш шароитида меҳнат ресурсларининг роли таҳлил қилиниб, улар билан боғлиқ тушунчаларнинг таърифлари такомиллаштирилган;

меҳнат ресурслари самарадорлигини ошириш учун давлат, жамият, мулкдор (инвестор), ва ишчи кучи эгаси сифатида ходим манфаатларини бири-бирига мувофиқлигини таъминлаш зарурлиги асосланиб, мазкур жараёнда бошқарув таҳлилининг такомиллашган усулларида фойдаланиш тавсия қилинган;

меҳнат ресурслари самарадорлигига оид тушунчалар ҳамда уларни баҳолаш борасида турли олимларнинг қарашлари таҳлил қилиниб, уларнинг таърифлари такомиллаштирилган;

рақобат муҳити ривожланаётган, соҳага инновацион жараёнларнинг татбиқ этилаётган шароитидан келиб чиқиб, меҳнат ресурслари самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими, уларнинг таснифи, аниқланиш ва таҳлил қилиш йўллари такомиллаштирилган;

меҳнат ресурслари самарадорлигига таъсир этувчи омиллар тизими ва уларни аниқлаш, ички имкониятларни топиш ҳамда бошқарув қарорларини қабул қилиш йўллари такомиллаштирилган;

меҳнат ресурслари рентабеллик кўрсаткичларига таъсир этувчи омиллар ва уларни ҳисоблаш йўллари, мазкур кўрсаткичларни яхшилаш бўйича ички имкониятларни аниқлаш усуллари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тўқимачилик корхоналари фаолиятини ўрганишда қўлланилган маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, тажриба-синов ишлари тармоқнинг ўзига хос хусусиятларини акс эттирувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олинган натижаларнинг назарий жиҳатдан асосланганлиги, ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсияларнинг тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарининг меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишда бошқарув таҳлили усуллари такомиллаштириш масалаларига қаратилган илмий тадқиқот ишларида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти диссертация ишида ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларнинг тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарининг меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишда бошқарув таҳлили усулларини такомиллаштириш йўллари, соҳани ривожлантиришга қаратилган бошқарув қарорларини ишлаб чиқишда, олий ўқув юртларида соҳага оид фанларнинг ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитиш жараёнида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Тўқимачилик корхоналари меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишда бошқарув таҳлили усулларини такомиллаштириш юзасидан ишлаб чиқилган илмий таклифлар асосида:

тўқимачилик корхоналарининг меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишда бошқарув таҳлили усулларини такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини қамраб олувчи ва уларнинг самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими, уларнинг таснифи ва аниқланиш йўллари Ўзбекистон Республикаси «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси томонидан амалиётга жорий қилинган («Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг 2018 йил 28 июндаги ФЖ-4213-сон маълумотномаси). Натижада, тўқимачилик корхоналари меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишда бошқарув таҳлили усуллари такомиллашиб, уларни қўллаш қулайлиги ва натижавийлиги даражаси ошган;

тўқимачилик корхоналарида янги иш ўринларини яратиш ва уларга соҳа мутахассислигига оид олий маълумотли ва касб-ҳунар коллежи битирувчиларини қабул қилиш орқали кадрларнинг таркибий ўзгаришларини такомиллаштириш билан боғлиқ омилларнинг меҳнат ресурслари самарадорлиги ўзгаришига таъсирини ҳисоблаш «ВАУРАК TEXTILE» ҚКда ички имкониятларни аниқлаш ва ишга солиш бўйича бошқарув қарорларини қабул қилиш жараёнига жорий этилган («Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг 2018 йил 28 июндаги ФЖ-4213-сон маълумотномаси). Мазкур таклифни амалиётга жорий қилиш натижасида 2016-2017 йилларда меҳнат ресурслари самарадорлиги ўсиш суръатини 106,2%дан 114,5%га қадар ошириш резервлари аниқланган;

корхонанинг меҳнат ресурслари самарадорлиги ўзгаришига таъсир этувчи омиллар тизими, уларнинг ўзаро боғлиқлигининг мультипликатив модели асосда яратилган кластери, ҳар бир омилнинг таъсирини аниқлаш ва таҳлил қилиш орқали натижавий кўрсаткични ошириш бўйича бошқарув қарорларини қабул қилиш йўллари «OSBORN TEXTILE» ХК фаолиятининг меҳнат ресурслари самарадорлигини таҳлил қилиш жараёнига жорий қилинган («Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг 2018 йил 28 июндаги ФЖ-4213-сон маълумотномаси). Натижада, аввал ўрганилмаган 4 гуруҳдан иборат 13 та омилнинг меҳнат ресурслари рентабеллиги ўзгаришига реал таъсири аниқланиб, улар асосида рентабелликни ошириш бўйича такомиллашган бошқарув қарорларини қабул қилиш имконияти яратилган;

корхоналарда меҳнат ресурслари самарадорлигини ошириш билан боғлиқ кўрсаткичлар апроксимацияси орқали қатор усулларни қўллаш натижасида ишлаб чиқилган прогноз кўрсаткичлари «ВАУРАК TEXTILE» ҚКда ва

«OSBORN TEXTILE» ХК амалиётига жорий қилинган («Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг 2018 йил 28 июндаги ФЖ-4213-сон маълумотномаси). Натижада, тўқимачилик корхоналарида асосий фаолият кўрсаткичларини меҳнат ресурслари самарадорлигини оширишнинг прогноз кўрсаткичларига мувофиқлаштириш орқали ишлаб чиқариш натижаларини яхшилаш имкони яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 6 та, жумладан, 2 та халқаро, 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларнинг эълон қилинганлиги.** Диссертация иши мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш, жумладан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола (8 та республика ва 2 та хорижий журналларда) чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертациянинг таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Унинг ҳажми 135 бетни ташкил этади.


## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги, унинг ўрганилганлик даражаси, мақсади, вазифалари, объекти ва предмети, илмий янгилиги, амалий натижалари, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий этилиши, унда қўлланиладиган усуллар, апробацияси ва таркибий тузилиши ёритилган.

Тадқиқотнинг биринчи боби «**Корхона меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишда бошқарув таҳлилининг назарий-услубий асослари**» га бағишланган. Унда меҳнат, меҳнат ресурслари, уларга оид тушунчаларнинг мазмуни ва кўрсаткичлари, уларни бошқарув таҳлили объекти сифатида баҳолаш йўллари, меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишда бошқарув таҳлилинини қўллаш муаммолари ва улар ечимлари, меҳнат ресурслари самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими тадқиқ этилган. Биринчи бобнинг сўнгида ушбу боб бўйича хулоса келтирилган.

Ҳозирги кунда республикамизда соҳа ва тармоқ корхоналарининг асосий қисми нодавлат мулкига асосланган ҳолда амалга оширилмоқда. Бу жараён ишчи ва хизматчилар манфаатини таъминлаш имконини беради. Замонавий шароитда мулк эгаси – фақат давлат нуқтаи назаридан эмас, балки ўзининг шахсий манфаатини ўйлаб ҳам фаолият кўрсатади. Ходим ўз меҳнатига бир вақтнинг ўзида мулкдор, иш кучи ва жамият манфаатлари нуқтаи назаридан қарайди. Чунки, кўп ҳолларда ходим бир вақтнинг ўзида мулкка, иш кучига ва фаолият натижасига эгалик қиладиган бўлди. Натижада, бунда мавжуд моддий-техника базасининг тез ва аёвсиз ишлатилиши, муддатидан олдин ишдан чиқиши ва барбод бўлишининг олди олинади. Шу сабабли, самарадорликнинг шундай мезонини топиш керакки, у бир вақтнинг ўзида мулкдор, ишловчи, давлат ва жамият манфаатини тўлиқ ифодалайдиган бўлиши лозим. Бундай

ўзаро боғлиқликни қуйидаги расмда ифодалаш мумкин (1-расм).



**1-расм. Кўпмулкчиликнинг самарадорлигини таъминлашда давлат, жамият ва меҳнат жамоаси манфаатларининг ўзаро боғлиқлиги<sup>8</sup>.**


Корхоналарнинг умумий самарадорлигини ошириш учун, энг аввало, унинг меҳнат ресурслари самарадорлигини юксалтириш механизмини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ. Бундай иқтисодий механизмлардан бири иқтисодий таҳлилдан иборатдир. Чунки, таҳлил жараёнида натижа кўрсаткичларига таъсир этувчи омилларни аниқлаб, уларнинг таъсирини ҳисоб-китоб қилиш мумкин.

Барча соҳалар сингари тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарида ҳам янги иш ўринларини яратиш ва уларга соҳа мутахассислигига оид олий маълумотли ва касб-ҳунар коллежи (КХК) битирувчиларини қабул қилиш орқали кадрларнинг таркибий ўзгаришларини такомиллаштириш хўжалик юритувчи субъектлар самарадорлигининг оширилишига олиб келади. Бу эса, бандлик масаласи билан боғлиқ омилларнинг меҳнат ресурслари самарадорлигига таъсирини аниқлаш йўллари ишлаб чиқишни тақозо қилади.

Тадқиқотларимиз кўрсатдики, корхоналарда меҳнат ресурслари самарадорлиги ўзгаришига таъсир этувчи омиллар бир қанча. Уларни бевосита

<sup>8</sup>Муаллиф тадқиқотлари натижасида тузилган.

янги ишга қабул қилинган ходимларга боғлиқ бўлганлари ҳам мавжуд. Изланишлар натижаси кўрсатдики, меҳнат ресурслари самарадорлигига таъсир қилувчи омилларнинг бир қисми меҳнат ресурсларига бевосита функционал боғлиқлиги туфайли, ушбу омиллар таъсирини аниқлаш имконияти яратилади. Бундай омиллар қаторига қуйидагилар танлаб олинди (2-расм).



**2-расм. Корхоналарда меҳнат ресурслари самарадорлиги ўзгаришига таъсир этувчи омилларнинг мултипликатив модели асосида ўзаро функционал боғлиқлиги<sup>9</sup>**

Мазкур омилларнинг меҳнат ресурслари самарадорлигига таъсирини ҳисоблаш учун қуйидаги формула тавсия қилинди:

$$M_y = U * W * E * R * T$$

*Бунда:  $M_y$  – корхонада меҳнат ресурслари самарадорлиги;*

*$U$  – янги қабул қилинган ходимларга тўғри келадиган сотилган маҳсулот ҳажми, млн.сўм;*

*$W$  – олий маълумотли ходимларга тўғри келадиган янги қабул қилинган ходимлар сони, киши;*

*$E$  – олий маълумотли янги қабул қилинган ходимларнинг янги қабул қилинган касб-хунар коллежлари битирувчиларидаги ҳиссаси;*

*$R$  – янгидан қабул қилинган касб-хунар коллежлари битирувчиларининг янги қабул қилинган ходимлардаги ҳиссаси;*

*$T$  – янгидан ишга қабул қилинган ходимларнинг умумий ходимлардаги ҳиссаси.*

Мазкур формула орқали меҳнат ресурслари самарадорлигининг омилли таҳлилини амалга ошириш мумкин. Таҳлил жараёни корхонада меҳнат

<sup>9</sup>Муаллиф тадқиқотлари натижасида ишлаб чиқилди.

ресурслари самарадорлигининг умумий фарқини аниқлашдан бошланади. Бунинг учун қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$My = (U_1 * W_1 * E_1 * R_1 * T_1) - (U_0 * W_0 * E_0 * R_0 * T_0)$$

Ўрганилаётган меҳнат самарадорлиги кўрсаткичининг ўзгаришига биринчи омил – янги қабул қилинган ходимларга тўғри келадиган сотилган маҳсулот ҳажмининг ўзгаришини аниқлаш учун қуйидаги формуладан фойдаланишни тавсия қиламиз:

$$My_u = (U_1 * W_0 * E_0 * R_0 * T_0) - (U_0 * W_0 * E_0 * R_0 * T_0)$$

Меҳнат ресурслари самарадорлиги ўзгаришига иккинчи омил – олий маълумотли ходимларга тўғри келадиган янги қабул қилинган ходимлар сонининг ва улар билан боғлиқ таркибий ўзгаришлар таъсирини аниқлаш учун қуйидаги формуладан фойдаланишни тавсия қиламиз:

$$My_w = (U_1 * W_1 * E_0 * R_0 * T_0) - (U_1 * W_0 * E_0 * R_0 * T_0)$$

Таҳлил қилинаётган меҳнат ресурслари самарадорлиги кўрсаткичи миқдорининг ўзгаришига учинчи омил – олий маълумотли янги қабул қилинган ходимларнинг янги қабул қилинган касб-ҳунар коллежлари битирувчиларидаги ҳиссасининг ўзгаришини аниқлаш учун қуйидаги формуладан фойдаланиш мумкинлиги асосланди:

$$My_e = (U_1 * W_1 * E_1 * R_0 * T_0) - (U_1 * W_1 * E_0 * R_0 * T_0)$$

Ўрганилаётган корхонанинг меҳнат ресурслари самарадорлиги кўрсаткичи миқдорининг ўзгаришига тўртинчи омил – янгидан қабул қилинган касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг янги қабул қилинган ходимлардаги ҳиссасининг ўзгаришини аниқлаш учун тадқиқотлар натижасида қуйидаги формуладан фойдаланишни лозим, деб топдик:

$$My_r = (U_1 * W_1 * E_1 * R_1 * T_0) - (U_1 * W_1 * E_1 * R_0 * T_0)$$

Корхонада меҳнат ресурслари самарадорлиги кўрсаткичи миқдорининг ўзгаришига бешинчи омил – янгидан ишга қабул қилинган ходимларнинг умумий ходимлардаги ҳиссасининг ўзгаришининг таъсирини аниқлаш учун қуйидаги формула тавсия қилинди:

$$My_t = (U_1 * W_1 * E_1 * R_1 * T_1) - (U_1 * W_1 * E_1 * R_1 * T_0)$$

Барча омиллар таъсири натижа ўзгаришининг умумий фарқига тенг бўлиши лозим:

$$My = My_u \pm My_w \pm My_e \pm My_r \pm My_t$$

Тадқиқот ишида ишлаб чиқилган илмий тавсияларнинг амалиётга жорий қилиниши корхонада меҳнат ресурслари самарадорлигини оширишнинг ички резервларини аниқлаш имконини беради. Натижада корхонада меҳнат ресурслари таркибидаги ўзгаришларда олий маълумотлилар ёки коллеж битирувчилари салмоғининг таъсирини аниқлаш имконияти яратилади. Кейин

уларнинг ҳар бирининг алоҳида меҳнат самарадорлигига таъсири қандай эканлигини ҳисоблаш орқали корхона ўз фаолият туридан келиб чиққан ҳолда уларнинг меҳнат ресурслари таркибидаги улуши қандай бўлиши зарурлигини белгилаб олади.

Ишнинг иккинчи боби «**Меҳнат ресурслари самарадорлигига таъсир қилувчи омиллар, уларнинг таснифи, аниқлаш йўллари ва бошқарув таҳлилининг методологик жиҳатлари**» деб номланган. Ушбу бобда меҳнат ресурслари самарадорлиги ўзгаришига таъсир қилувчи омиллар, уларнинг таснифи ва ўзаро боғлиқлигининг концептуал йўналишлари, меҳнат ресурслари самарадорлиги ўзгаришига таъсир қилувчи омиллар асосида ички имкониятларни қидириб топиш ва оптимал бошқарув қарорларини қабул қилиш йўллари, меҳнат ресурслари самарадорлигининг омилли таҳлил усулларини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари тадқиқ қилинган. Мазкур боб сўнгида тадқиқот натижалари асосида хулосалар шакллантирилган.

Иқтисодийни модернизациялаш ва диверсификациялаш шароитида ҳар бир корхонада меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки, барча иқтисодий кўрсаткичларнинг юқори бўлиши асосан меҳнат ресурсларининг самарадорлигига боғлиқ. Шу туфайли, корхонада меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш билан боғлиқ кўрсаткичлар таҳлиliga алоҳида аҳамият бериш, яъни уларни ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини аниқлаш, баҳолаш ва таҳлил қилиш йўллариини ишлаб чиқиш бугунги кун талабидан келиб чиққан муҳим йўналишлардан биридир.

Иқтисодий адабиётларда самарадорликни аниқлашнинг ўзига хос ёндашуви ва усули мавжуд. Корхоналарда меҳнат ресурслари самарадорлигини аниқлашда ҳам самарадорликнинг умумий тамойилига асосланб, уни ҳисоблашда натижани, яъни ишлаб чиқарилган (сотилган) маҳсулотни, (даромад ёки фойдани) (Q) меҳнат ресурсларига (Mr) бўлиш лозим. Аммо, турли соҳаларда натижа ҳам ҳар хил кўрсаткичлар билан ўлчаниши мумкин. Бу таҳлилнинг вазифаси ва қўйилган мақсадига боғлиқ. Тадқиқотларимиз натижасида тўқимачилик корхоналарида қўлланилиши мумкин бўлган, меҳнат самарадорлигини ифодаловчи умумий кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш тавсия қилинди. Бундай кўрсаткичлар таҳлилга оид адабиётларда келтирилган<sup>10</sup>. Буларга қуйидаги кўрсаткичлар киради:

1. Меҳнат ресурсларининг натижавийлиги;
2. Меҳнат ресурсларининг рентабеллиги;
3. Меҳнат ресурсларининг даромадлиги.

Ушбу кўрсаткичларнинг назарий ва амалий аҳамиятидан келиб чиқиб, уларнинг ҳар бирини аниқлаш йўллариини алоҳида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ. Чунки, барчаси бир хил натижавий кўрсаткич сифатида номлансада, уларнинг ҳар бирининг иқтисодий мазмуни турлича. 1-жадвалда юқоридаги кўрсаткичлар тизими ва уларнинг мазмуни ифодаланган.

<sup>10</sup>Пардаев М.К., Абдукаримов И.Т., Исроилов Б.И. Иқтисодий таҳлил. Ўқув қўлланма. -Т.: «Меҳнат» нашриёти, 2004.- 233 бет.

**Меҳнат ресурслари самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими,  
уларни аниқлаш йўллари ва мазмуни<sup>11</sup>**

Кўрсаткичларнинг номи	Аниқлаш формуласи	Кўрсаткичнинг мазмуни
Меҳнат ресурслари самарадорлиги	$C_{MP} = \frac{C}{MP} \times 100$	Бир бирлик меҳнат ресурсига тўғри келадиган самара (сотилган маҳсулот, фойда, даромад)ни ифодалайди
1) Меҳнат ресурслари унумдорлиги (натижавийлиги)	$H_{MP} = \frac{Q}{MP} \times 100$ $H_{MP} = \frac{Q_{и}}{MP} \times 100$	Бир бирлик меҳнат ресурсига неча сўм сотилган ( <i>ишлаб чиқарилган</i> ) маҳсулот тўғри келишини ифодалайди
2) Меҳнат ресурслари рентабеллиги (фойдалилиги)	$P_{MP} = \frac{\Phi}{MP} \times 100$	Бир бирлик меҳнат ресурси миқдорига қанча соф фойда суммасининг тўғри келишини ифодалайди
3) Меҳнат ресурслари даромадлилиги	$D_{MP} = \frac{D}{MP} \times 100$	Бир бирлик меҳнат ресурси миқдорига қанча даромад суммаси тўғри келишини ифодалайди

Ушбу кўрсаткичларни ҳисоблаш, ҳар бирига таъсир қилувчи омилларни аниқлаш ва таҳлил қилишга оид адабиётларда кенг ёритилган. Хусусан, бу борада М.Қ.Пардаев, И.Т.Абдукаримов ва Б.И.Исроиловларнинг тавсиялари<sup>12</sup> диққатга сазовардир. Унда юқорида келтирилган кўрсаткичларнинг барчасига таъсир этувчи омиллар умумий тарзда аниқланган ва ҳисоб-китоб қилинган. Биз мазкур ишда юқорида келтирилган жадвалимиз орқали меҳнат ресурслари самарадорлиги билан боғлиқ кўрсаткичларни бир тизимга тушириб уларга аниқлик киритдик. Меҳнат ресурслари самарадорлиги, унумдорлиги, нативавийлиги, рентабеллиги, фойдалилиги, даромадлилиги каби тушунчаларнинг фарқи ва умумий жиҳатларини ёритиб берилди.

Корхоналар амалиётида меҳнат ресурслари унумдорлиги сотилган маҳсулот ҳажмига нисбатан ҳисобланади. Мазкур кўрсаткичлар тизимини такомиллаштириш бўйича диссертация ишида меҳнат ресурслари унумдорлигини ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажмига нисбатан ҳисоблаш мақсадга мувофиқлиги илмий асосланди. Бунинг натижасида корхона меҳнат ресурсларининг унумдорлиги бўйича тўлиқ ахборотга эга бўлади ва бошқарув таҳлилининг мақсадига эришилади.

Тадқиқот жараёнида юқорида келтирилган меҳнат ресурслари самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлардан бири меҳнат ресурслари рентабеллиги, яъни фойдалилигининг омилли таҳлилинини такомиллаштириш масаласига эътиборни қаратдик.

Тадқиқотларимиз кўрсатдики, меҳнат ресурслари рентабеллигининг ўзгаришига жуда кўплаб омиллар таъсир қилади. Уларнинг таъсирини аниқлаш ва таҳлил қилиш учун ушбу омилларни маълум белгилари бўйича таснифлаш

<sup>11</sup>Пардаев М.К. ва бошқалар ёндашувидан келиб чиқиб муаллиф ишланмаси


<sup>12</sup>Пардаев М., Абдукаримов И.Т., Исроилов Б.И. Иқтисоий таҳлил. Ўқув қўлланма. Т.: «Меҳнат» нашриёти, 2004.– 233-245 бетлар.



лозим. Аммо, ушбу масала ҳам етарли даражада тадқиқ қилинмаган. Биз меҳнат ресурслари рентабеллигининг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни уларнинг иқтисодий мазмуни бўйича қуйидаги гуруҳларга бўлишни тавсия қиламиз:

1. Меҳнат ҳақи ва меҳнат унумдорлиги билан боғлиқ омиллар;
2. Корхонанинг жорий харажатлари билан боғлиқ омиллар;
3. Асосий воситалардан самарали фойдаланиш билан боғлиқ омиллар;
4. Айланма маблағлар ва уларнинг таркибий тузилиши билан боғлиқ омиллар.

Юқорида келтирилган тўрт гуруҳга 13 та омил киради. Уларнинг барчасининг таъсири натижа ўзгаришининг 100 %ни ташкил қилиши керак. Бунга эришиш учун омиллар кластерини тузиб, ҳар бир гуруҳ омилларнинг моҳиятлилик коэффицентини аниқлаб олинади ва улар асосида ҳар бир омилнинг реал таъсирини ҳисоблаш имконияти туғилади. Ушбу натижага эришиш учун қуйидаги омиллар кластерини ташкил этишни тавсия қиламиз (3-расм).



3-расм. Корхонада меҳнат ресурслари рентабеллигининг ўзгаришига таъсир қилувчи омиллар кластерининг тузилиши<sup>13</sup>.

<sup>13</sup>Муаллиф тадқиқотлари натижасида тузилган.

Ушбу омиллар кластери бўйича таҳлил қилинадиган бўлса, барча омиллар таъсири битта формулага жамланади:

$$M_{pp} = \{(M_{xp} * Иммхт * M_y) * K_{m1}\} + \{(P_e * X_c * X_{mхт} * M_{хт}) * K_{m2}\} + \{(A_{вр} * A_{аву} * M_{рқд}) * K_{m3}\} + \{(P_{мр} * P_{мах} * M_{рат}) * K_{m4}\}$$

Мазкур формулада барча омиллар аниқ. Аммо, моҳиятлилик коэффициентининг даражаси маълум эмас. Ушбу кўрсаткични аниқлаш учун экспертлар баҳосидан фойдаланилади. Бунда мутахассис экспертлар ўртасида анкета сўрови ўтказилади ва ҳар бир омилнинг моҳиятини 0 дан 1 коэффициент оралиғида баҳолаб чиқиш тавсия қилинади. Ушбу тўртта омилнинг моҳиятлилик коэффициенти 1 га тенг бўлиши керак. Тадқиқот натижалари қуйидагича маълумотга эга бўлиш имконини берди:

- меҳнат ҳақи ва меҳнат унумдорлиги билан боғлиқ омиллар - 0,37;
- корхонанинг жорий харажатлари билан боғлиқ омиллар - 0,24;
- асосий воситалар самарадорлиги билан боғлиқ омиллар - 0,18;
- айланма маблағлар ва уларнинг таркибий тузилиши билан боғлиқ омиллар - 0,21.

Ушбу моҳиятлилик коэффициентини омиллар кластерини қамраб оладиган юқоридаги формулага қўйиб чиқилса, у қуйидагича ифодаланади:

$$M_{pp} = \{(M_{xp} * Иммхт * M_y) * 0,37\} + \{(P_e * X_c * X_{mхт} * M_{хт}) * 0,24\} + \{(A_{вр} * A_{аву} * M_{рқд}) * 0,18\} + \{(P_{мр} * P_{мах} * M_{рат}) * 0,21\}$$

Мазкур назарий хулосалардан амалиётда фойдаланиш мумкин. Бунинг учун корхонанинг аниқ маълумотларидан фойдаланган ҳолда таҳлилни амалга оширамыз.

Тадқиқотлар натижасида барча гуруҳ омилларнинг меҳнат ресурслари рентабеллиги ўзгаришига таъсири ҳисоблаб чиқилди ва қуйидаги маълумотларга эга бўлинди (2-жадвал).

## 2-жадвал

### Корхонада меҳнат ресурслари рентабеллигининг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни алоҳида гуруҳлари бўйича таъсирининг натижалари

Т/р	Асосий омиллар гуруҳлари	Дастлабки ҳисоб-китоб натижалари, минг сўм	Ҳар бир омилнинг улуши, %	Моҳиятлилик коэффициенти қўллангандаги натижа, минг сўм	Ушбу ҳолатда ҳар бир омилнинг улуши, %
1.	Меҳнат ҳақи ва меҳнат унумдорлиги билан боғлиқ омиллар ( $M_{pp.му}$ ) таъсири:	+65,8	0,37 100,0	24,3	36,9
1.1.	Барча ходимларга тўланадиган меҳнат ҳақи фондининг рентабеллиги ( $M_{xp}$ )	+18,5	28,1	6,8	10,3
1.2.	Ишлаб чиқарилган (сотилган) маҳсулотнинг меҳнат ҳақи билан таъминланганлиги ( $Иммхт$ )	-6,1	- 9,3	-2,3	-3,5
1.3.	Барча банд бўлган ходимларнинг меҳнат унумдорлиги ( $M_y$ )	+53,4	81,2	19,8	30,1

<b>2.</b>	<b>Корхонанинг жорий харажатлари билан боғлиқ омиллар (Мрр.жх) таъсири:</b>	<b>+65,8</b>	<b>0,24 100,0</b>	<b>15,8</b>	<b>24,0</b>
2.1	Корхонанинг умумий рентабеллик даражаси (Ре)	+12,4	18,8	3,0	4,5
2.2.	Умумий харажатлар самарадорлиги (Хс)	+1,3	2,0	0,3	0,5
2.3.	Меҳнат ҳақининг барча харажатлар билан таъминланганлиги (хмхт)	- 13,8	- 21,0	-3,3	-5,0
2.4.	Меҳнат ресурсларининг меҳнат ҳақи билан таъминланганлиги (Мхт)	+65,9	101,2	15,8	24,0
<b>3.</b>	<b>Асосий воситалардан самарали фойдаланиш билан боғлиқ омиллар (Мрр.ав) таъсири:</b>	<b>+65,8</b>	<b>0,18 100,0</b>	<b>11,9</b>	<b>18,1</b>
3.1.	Асосий воситалар актив қисмининг рентабеллиги (Авр)	+54,9	83,4	9,9	15,0
3.2.	Асосий воситалар актив қисмининг умумий асосий воситалардаги улуши (Ааву)	+ 6,1	9,3	1,1	1,7
3.3.	Меҳнат ресурсларининг асосий воситалар билан қуролланганлик даражаси (Мрқд)	+ 4,8	7,3	0,9	1,4
<b>4.</b>	<b>Айланма маблағлар ва уларнинг таркибий тузилиши билан боғлиқ омиллар (Мрр.айм) таъсири:</b>	<b>+65,8</b>	<b>0,21 100,0</b>	<b>13,8</b>	<b>21,0</b>
4.1.	Пул маблағларининг рентабеллиги (Пмр)	+27,5	41,8	5,8	8,8
4.2.	Пул маблағларининг барча айланма маблағлардаги ҳиссаси (Пмах)	- 3,2	- 4,9	- 0,7	-1,1
4.3.	Меҳнат ресурсларининг айланма маблағлар билан таъминланганлиги (Мрат)	+ 41,5	63,1	8,7	13,3
	<b>Ж А М И</b>	<b>263,2</b>	<b>400,0</b>	<b>65,8</b>	<b>100,0</b>

